БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 275 (17.259). • 2 декабрь 1978 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ТАНТАНАСИ

Москвада тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси ўз ишини тамомлади

Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси 1 декабрь куни Катта Кремль саройида ўз ишини тамомлади. Депутатлар беш йиллиннинг тўртинчи йилида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш конкрет истиқболларини зўр манфаатдорлик билан батафсил муҳокама қилдилар ва бу истиқболларни белгилаб бердилар. Сессияда КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу Пленумда сўзлаган нутқи ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир совет кишисининг ҳаракат программаси бўлиб қолади, деб таъкидланди.

Депутатлар сессия ишининг охирги кунида СССР гражданлиги ҳақида Конун лойиҳаси тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Депутатлар ва меҳмонлар **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, Я. П. Рябов, К. В. Русаков, М. С. Горбачев** ўртоқларни гулдурос, лавомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари **В. В. Кузнецов** «СССР гражданлиги тўғрисидаги СССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида» доклад қилди.

(Доклад газетамизнинг 4-саҳифасида эълон қилинмоқда).

Раислик қилувчи—Миллатлар Советининг Раиси **В. П. Рубен** мунозара вақтида ВЦСПС раисининг ўринбосари депутат **В. И. Прохорова** сўз берди.

Тасдиқлаш учун тақдим этилган СССР гражданлиги тўғрисидаги конун лойиҳаси, деди нотиқ, Совет давлатининг демократик принципларини янада ривожлантириш йўлидаги янги қадамдир. Конун лойиҳасининг ҳар бир моддаси, ҳар бир сатри мамлакатимиз ҳуқуқий актларининг инсонпарварлик моҳиятини очиб беради, СССР гражданининг муҳим мавқеи ва афзаллигини юксак даражага кўтаради, унинг халқ олдидаги масъулиятини таъкидлайди.

Гражданин тушунчаси киши онгида ҳамиша ўз Ватанига, ўз халқига чексиз садоқат туйғулари билан боғланиб келди. Аммо гражданин деган сўз, леб таъкидлади депутат, Улуғ Октябрдан кейингина, демократик ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш имконияти амалда таъминланганидан кейингина чинакам социал-сиёсий маънога эга бўлди.

Ҳозирги кунда янги Конунни реал ҳаёт билан таққослаб кўрганимизда совет граждани — ҳокимият халқ қўлида, буюк социал аҳамиятга молик бўлган: «Ҳамма нарса инсон учун, инсон баҳт-саодати учун» деган шиор байроғига езиб қўйилган жамият қўлида бўлган мамлакатнинг гражданидир.

Муҳокама этилаётган Конун лойиҳаси, деб уқтирди ўтди СССР юстиция министри депутат **В. И. Теребилов**, Советлер мамлакатининг Конституциясига тамомила мос бўлиб тушади. Бу Конуннинг ҳамма қоидалари Совет Иттифоқининг халқаро шартномалар, битим ва конвенцияларни имзолаган вақтда ўз зиммасига олган мажбуриятларига ҳам тамомила мос бўлиб тушади. Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида ҳар бир киши гражданлик борасида тенг ҳуқуқларга эгадир, деб эълон қилинган.

Баъзи Ғарб мамлакатларида гражданликдан чиқиш масалаларини алоҳида мансабдор шахслар ҳал қиладилар. Ўша мамлакатлардан фарқли ўлароқ СССР Конуни лойиҳасида бу масалаларга доир қарор СССР Олий Советининг Президиуми сингари давлат ҳокимиятининг мўътабар органи томонидан коллегиал тарзда ҳал этилиши белгилаб қўйилди.

СССР гражданлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси Ватанимизнинг, Ленин партиясининг, Совет давлатининг ҳар бир совет кишиси тўғрисидаги оталарча ғамхўрлиги руҳи билан суғорилган, деди СССР ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари, депутат **В. С. Папутин.** Дунёда биринчи социализм мамлакатининг граждани бўлиш — катта шарафдир.

Совет қонунчилигини вужудга келтириш ва ривожлантиришнинг бутун жараёни, ривожланган социализм ғалабаларини мустаҳкамлаб берган СССРнинг янги Конституцияси — энг илғор социалистик демократия равнақи ва тантанасининг яққол ва ишонарли далилидир.

Нотиқ Совет давлати халқаро битимларни ҳеч оғишмай бажариб келаётганлиги тўғрисида, давлатимиз Хельсинки руҳига содиқ эканлиги ҳақида гапирди. У бир қанча империалистик мамлакатларнинг реакцион доиралари «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, деган уйдирма шиор остида авж олдириб юборган игвогарлик кампанияси тамомила асоссиз эканлигини уқтириб ўтди

Айни вақтда «инсон ҳуқуқлари»нинг ана шу жарчилари капитал дунёсида, зўравонлик ва ўзбошимчалик ҳукм сураётган дунёда, меҳнат аҳли кўпгина энг оддий ҳуқуқлардан маҳрум этилган дунёда ана шу ҳуқуқлар қўпол равишда бузилаётганини кўриб кўмасликка олмоқдалар.

Граждан, инсон — совет жамиятининг энг буюк бойлигидир. Ҳар бир кишининг фароғати тўғрисида ҳаммаининг ғамхўрлик қилиши ва ҳаммаининг фароғати тўғрисида бир кишининг ғамхўрлик қилиши совет жамияти турмушининг қонунидир, деди Литва ССР Паневежис драма театрининг артисти, депутат **Д. Ю. Банионис.** Айни шу принцип Совет давлати билан шахснинг ўзаро муносабатларига асос қилиб олинган.

Ахтёр бўлганлигим туфайли менинг совет граждани маънавий дунёси гўзаллиги, унинг ахлоқий кучларини, маънавий софлигини, фидокорлигини саҳна образларида гавдалантиришимга неча марталаб тўғри келган. Замондошларимиз — совет граждалари, коммунизм бинокорлари образларини яратиш биз, санъат ходимлари учун катта қувончдир.

Советлер мамлакатининг граждани бўлиш — юксак шараф, аммо шу билан бирга зўр масъулият ҳамдир. Граждан ва ижодкор бўлмиш совет санъатқорининг вазифаси — икки карра масъулиятлидир. Чунки у ўз ижодида пассив томошабин позицияларида тура олмайди. Бугун биз ифтихор билан айта оламизки, бизнинг санъаткор зиёлиларимиз коммунизм қурилишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

СССР гражданлиги тўғрисидаги янги Конунда, деди Кировоград областидаги «КПСС XX съезди» колхози трактор бригадасининг бошлиғи депутат **А. В. Гиталов**, социализмнинг энг муҳим хусусияти — гражданларнинг реал ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлаш тенденцияси ифодалаб берилган. Биз буюк ғалабаларга ўз қўлларимиз билан эришганмиз ва уларни ҳеч кимга бермаймиз. Ғаллакорликни ота касб қилиб олиб, Совет Иттифоқининг граждани номини оқлаётганим билан фахрланаман.

Еш механизаторлар билан ишлар эканман, уларнинг муреббийси сифатида советлер диёрида туғилиш — катта баҳт эканини, совет граждани бўлиш юксак шараф эканини уларга неча марталаб айтдим, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Биз ҳаммамиз Леонид Ильич Брежнев хотираларининг янги китоби — «Қўриқ»асарини яқиндагина қўлга олиб, ҳаяжонлиги билан ўқиб чиқдик. Бу китобда совет халқининг буюк меҳнат жасорати ўзининг бутун тўлалиги билан намоён бўлди. Совет халқи партия раҳбарлигида қўриқ даштининг жуда катта майдонларини Ватанимизнинг ғоят муҳим ғалла конига айлантирди. Леонид Ильич ўша пайтда Козоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари вазифасида ишлаб, қўриқни ўзлаштириш ишига шахсан жуда катта ҳисса қўшди. Шу боисдан ҳам мен бугун ана шу минбардан туриб, азиз Леонид Ильич, меҳнатингиз учун, ақлли ва эзгу китобларингиз учун Сизга раҳмат айтмоқчиман.

Депутат СССР Конституциясининг совет кишиларига бериб қўйган ҳуқуқлари тўғрисида гапириб, энди бу ҳуқуқларнинг мазмуни янада чуқурлашганини, унинг моддий гарантиялари тўлиқроқ ва салмоқлирок бўлиб қолганини таъкидлади. Нотиқ ўз сайловчилари номидан янги Конун лойиҳасини мақуллаш юзасидан бошқа нотиқлар айтган таклифларни қўллаб-қувватлади.

Депутатлар СССР гражданлиги тўғрисидаги Конунни ҳамда 1979 йил 1 июлдан бошлаб шу конунни кучга киритиш тўғрисидаги қарорни алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан бир овоздан қабул қилдилар.

Шу билан СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҚОНУНИ

СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. СССР Министрлар Совети тақдим этган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет комиссиялари, саноат комиссиялари, транспорт ва алоқа комиссиялари, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссиялари, қишлоқ хўжалик комиссиялари, халқ истеъмоли моллари комиссиялари, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиялари, халқ маорифи, фан ва маданият комиссиялари, савдо, маиший хизмат ва коммунал хўжалик комиссиялари, табиатни муҳофаза қилиш комиссиялари, хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича комиссиялар, ёшлар ишлари бўйича комиссияларнинг тузатишлари ҳисобга олинган ҳолда тасдиқлансин.

2-модда. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари юзасидан 1979 йил учун қуйидаги ўсиш суръатлари белгилансин:

(1978 йилга нисбатан процент ҳисобида ўсиш)

Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад	4,3
Саноат маҳсулоти—жами	5,7
шу жумладан:	
Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш	5,8
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	5,4
Давлат капитал маблағлари	4,9
Ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти	4,9
Меҳнат унумдорлиги:	
саноатда	4,7
қурилишда	4,0
темир йўл транспортида	2,1
Саноат фаолиятидан тушадиган фойда	9,1
Аҳоли жон бошига реал даромадлар	3,3
Халқ хўжалигидаги иш ҳақи фонди	3,6
Аҳоли жон бошига ижтимоий истеъмол фондлари	3,2
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти	4,8
Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми	7,7
Давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	4,8
Кунги узайтирилган мактаблардаги (ёки группалардаги) ўқувчилар сони	8,1
Ҳунар-техника ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш	3,4
шу жумладан умумий ўрта маълумот ва ҳунар тайёргарлиги берадиган ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш	13,0
Ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқувчилар қабул қилиш	0,4
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига студентлар қабул қилиш	1,6
Касалхоналардаги ўринлар сони	1,9

1979 йилда пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига умумий саҳни 112,3 миллион квадрат метр уй-жойлар қурилсин.

3-модда. СССР Министрлар Советига СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат планини амалга ошириш жараёнида социалистик мусобақани авж олдириш, фан-техника тараққиёти ютуқларидан ҳар томонлама фойдаланиш, экономикага раҳбарлик қилишнинг форма ва методларини такомиллаштириш, барча ички резервларни сафарбар этиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини янада ўстириш тадбирларини амалга ошириш ва зарур бўлиб қолган ҳолларда план топшириқларига аниқликлар киритиш юклансин.

4-модда. СССР Министрлар Советига СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани юзасидан Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети план-бюджет комиссиялари ва бошқа доимий комиссияларнинг хулосада баён этилган таклифлар ва мулоҳазаларини, шунингдек депутатларнинг СССР Олий Совети палаталари мажлисларида айтган таклиф ва мулоҳазалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 30 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ 1978 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1978 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисида СССР Министрлар Советининг маълумотномаси инобатга олинсин.

2. СССР Министрлар Совети СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат планини бажариш учун зарур чораларни кўраётганлиги қайд этилсин.

3. СССР Министрлар Советига Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети план-бюджет ва бошқа доимий комиссияларнинг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала юзасидан таклиф ҳамда мулоҳазаларни, шунингдек депутатларнинг СССР Олий Совети палаталари мажлисларида айтган таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларига амал қилиб, бу йилги ва ўнинчи беш йилликнинг кейинги йилларидаги план топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 30 ноябрь.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҚОНУНИ

СССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. СССР Министрлар Совети тақдим этган СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг план-бюджет комиссиялари, саноат комиссиялари, транспорт ва алоқа комиссиялари, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссиялари, қишлоқ хўжалиги комиссиялари, халқ истеъмоли моллари комиссиялари, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиялари, халқ маорифи фан ва маданият комиссиялари, савдо, маиший хизмат ва коммунал хўжалик комиссиялари, табиатни муҳофаза қилиш комиссиялари, хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комиссиялари, ёшлар ишлари бўйича комиссияларнинг киритган тузатишларини ҳисобга олган ҳолда даромадлар бўйича 269.214.296 минг сўм миқдорида ва ҳаражатлар бўйича 268.933.808 минг сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатлардан 280.488 минг сўм миқдорида ошиқ қилиб тасдиқлансин.

2-модда. СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналари ва ташкилотларидан келадиган даромадлардан — оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган ҳақ, қайд қилинган тўловлар, фойданинг эркин қолдиғи, фойданинг ажратмалари, даромад солиғи ва социалистик хўжаликлан келадиган бошқа даромадлар — жами 244.936.380 минг сўм миқдорида белгилансин.

3-модда. СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалигини — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалиги, транспорт, уй-жой-коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни пул билан таъминлашга қилинадиган ҳаражатлар — жами 144.389.863 минг сўм миқдорида белгилансин.

4-модда. СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида социал маданий тадбирларга — умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, кутубхоналар, клублар, театрлар матбуот, телевидение, радиоэшитириш ҳамда маориф ва маданиятга доир бошқа тадбирларга: касалхоналар, болалар яслилари, санаторийлар ҳамда соғлиқни сақлаш ва физкультурага доир бошқа муассасаларга: пенсия ва нафақалар тўлашга ажратиладиган маблағлар — жами 91.271.334 минг сўм миқдорида, шу жумладан давлат социал страхование бюджети бўйича 32.340.508 минг сўм миқдорида белгилансин.

5-модда. СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида мамлакат мудофаасига бериладиган маблағлар 17.230.000 минг сўм миқдорида белгилансин.

6-модда. СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетида давлат ҳокимияти органларини, давлат бошқарув органларини, суд ва прокуратура органларини таъминлашга бериладиган маблағлар 2.267.360 минг сўм миқдорида белгилансин.

7-модда. 1979 йилги иттифоқ бюджети даромадлар бўйича 152.011.630 минг сўм миқдорида ва ҳаражатлар бўйича 151.731.142 минг сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатлардан 280.488 минг сўм миқдорида ошиқ қилиб тасдиқлансин.

8-модда. Иттифоқдош республикаларнинг 1979 йилги Давлат бюджетлари даромадлар ва ҳаражатлар бўйича 117.202.666 минг сўм миқдорида, шу жумладан иттифоқдош республикалар бўйича қуйидагича белгилансин.

	(минг сўм)
Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси	64.374.892
Украина Совет Социалистик Республикаси	20.043.919
Белоруссия Совет Социалистик Республикаси	5 101.963
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси	4.932.603
Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси	7.870.299
Грузия Совет Социалистик Республикаси	1.945.655
Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси	1.866.899
Литва Совет Социалистик Республикаси	2.275.469
Молдавия Совет Социалистик Республикаси	1.532.511
Латвия Совет Социалистик Республикаси	1.506.710
Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси	1.367.084
Тожикистон Совет Социалистик Республикаси	1.191.096
Арманистон Совет Социалистик Республикаси	1.281.547
Туркманистон Совет Социалистик Республикаси	930.289
Эстония Совет Социалистик Республикаси	981.725

9-модда. 1979 йилда Умуминттифоқ Давлат солиқлари ва даромадларидан иттифоқдош республикаларнинг Давлат бюджетларига бериладиган ажратмалар қуйидаги миқдорда тасдиқлансин:

а) оборот солиғи тушумларидан: РСФСРга — 47.9 процент, Украина ССРга — 54.8 процент, Белоруссия ССРга — 64 процент, Ўзбекистон ССРга — 98.2 процент, Қозоғистон ССРга — 100 процент, Грузия ССРга — 67.2 процент, Озарбайжон ССРга — 52.6 процент, Литва ССРга — 91 процент, Молдавия ССРга — 54.1 процент, Латвия ССРга — 43.1 процент, Қирғизистон ССРга — 100 процент, Тожикистон ССРга — 91.1 процент, Арманистон ССРга — 61.8 процент, Туркманистон ССРга — 100 процент, Эстония ССРга — 56.9 процент;

б) 1979 йилда сотиладиган 3 процентли Давлат ички ютуқ заёмидан келадиган пул миқдоридан — 50 процент;

в) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан: Қозоғистон ССР, Литва ССР, Қирғизистон ССР ва Туркманистон ССР Давлат бюджетларидан — 100 процент

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат планида кўзда тутилган тадбирларни пул билан таъминламоқ учун 1979 йилда Иттифоқ бюджети маблағларидан Қозоғистон ССР Давлат бюджетига 449.240 минг сўм ва Туркманистон ССР Давлат бюджетига 3.037 минг сўм ажратилсин.

10-модда. СССР Министрлар Советига СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети юзасидан Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети план бюджет комиссиялари ва бошқа доимий комиссиялари хулосаларида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларнинг, шунингдек СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида, депутатлар айтган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда бу таклиф ва мулоҳазалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил, 30 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССРНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот даромадлар бўйича 247.819.325 минг сўм миқдорида ва ҳаражатлар бўйича 242.790.210 минг сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатлардан 5.029.115 минг сўм ошиқ қилиб тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 30 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«СССР ГРАЖДАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

«СССР гражданлиги тўғрисида»ги СССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. «СССР гражданлиги тўғрисида»ги СССР Қонуни 1979 йил 1 июлдан бошлаб кучга киритилсин.

2-модда. СССР Олий Совети Президиумига «СССР гражданлиги тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартибини белгилаш ва ССР Иттифоқи қонунчилигини шу Қонунга мувофиқлаштириш топширилсин.

3-модда. «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи гражданлиги тўғрисида» СССРнинг 1938 йил 19 август Қонуни (СССР Олий Советининг Ведомостлари, 1938 йил № 11; 1953 йил № 20; 1954 йил № 10, 214-модда) 1979 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 1 декабрь.

СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган қонун ва қарорлар

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ

ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ СССР ҚОНУН АКТЛАРИГА ТУЗАТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

«Меҳнаткашлар депутатлари район Советларининг асосий ҳуқуқлари ва вазифалари тўғрисида»ги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;

«Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва шаҳарлардаги район Советларининг асосий ҳуқуқлари ҳамда вазифалари тўғрисида»ги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;

«Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ҳуқуқлари ҳамда вазифалари тўғрисида»ги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1978 йил 28 ноябрь Фармонлари тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 30 ноябрь.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ

ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СССРнинг АМАЛДАГИ ҚОНУН АКТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

«Колхозлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига баъзи бир ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 1978 йил 14 июль Фармони;

«Полиграфия ва штамп-гравер корхоналари очиш, қўлайтириш техникасини сотиб олиш, реализация қилиш, ундан фойдаланиш, уни ҳисобга олиш ва асраш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги 1978 йил 7 сентябрь Фармони;

«Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳақида»ги 1978 йил 3 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 30 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СССР ДАВЛАТ КОМИТЕТЛАРИ РАИСЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ВА ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

Ўртоқ Александр Акимович Кокаревни СССР материал резервлар Давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш ҳақидаги 1978 йил 21 июль Фармони;

Ўртоқ Юрий Евгеньевич Максарев пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР ихтиролар ва кашфиётлар ишлари Давлат комитетининг раиси вазифасидан озод қилиш ҳақидаги 1978 йил 9 август Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 30 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ К. Т. МАЗУРОВнинг СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Кирилл Трофимович **Мазуров** бетоблиги сабабли пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1978 йил 28 ноябрь Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 30 ноябрь.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҚОНУНИ

УЛУҒ ВАТАН УРУШИНИНГ I ВА II ГРУППА ИНВАЛИДЛАРИ УЧУН СОЛИҚЛАРДАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши инвалидларининг моддий таъминот даражасини янада ошириш мақсадида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Составига Ватан урушининг I ёки II группа инвалидлари ёки СССРни ҳимоя қилиш вақтида ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини адо этиш чоғида жароҳатланиш, контузия ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касалликлар натижасида инвалид бўлиб қолган ҳарбий хизматчилардан, I ёки II группадаги бошқа инвалидлар кирган хўжаликлар, собиқ партизанлардан I ёки II группа инвалидларнинг хўжаликлари, шунингдек пенсия таъминоти жиҳатидан ҳарбий хизматчиларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган категорияларига тенглаштирилган I ёки II группадаги бошқа инвалидларнинг хўжаликлари қишлоқ хўжалик солиғини тўлашдан озод қилинсин.

2-модда. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида кўрсатиб ўтилган инвалидлар ва улар билан биргаликда яшаб турган оила аъзолари иморат солиғи ва шу иморатларга хизмат қилиш учун уларга берилган ер участкалари учун ер рентаси тўлашдан озод қилинадилар деб белгилансин.

3-модда. Ушбу Қонуннинг I ва II моддаларига мувофиқ қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) «Қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисида» 1953 йил 8 августдаги СССР Қонунига (СССР Олий Совети ведомостлари, 1953 йил, 7-сон; 1968 йил, 6-сон, 41-модда; 1970 йил, 9-сон, 81-модда; 1971 йил, 51-сон, 500-модда);

14-модданинг «б» банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) составига Ватан урушининг I ёки II группа инвалидлари ёки СССРни ҳимоя қилиш вақтида ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини адо этиш чоғида жароҳатланиш, контузия ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касалликлар натижасида инвалид бўлиб қолган ҳарбий хизматчилардан I ёки II группадаги бошқа инвалидлар кирган хўжаликлар, собиқ партизанлардан I ёки II группа инвалидларнинг хўжаликлари, шунингдек пенсия таъминоти жиҳатидан ҳарбий хизматчиларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган категорияларига тенглаштирилган I ёки II группадаги бошқа инвалидларнинг хўжаликлари;

14-модданинг «в» ва «г» бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин;

14-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Составига меҳнатга яроқли кишилари бўлмаган I ёки II группа меҳнат инвалидлари кирган хўжаликлар солиқ тўлашдан тўла-тўкис озод қилинадилар, меҳнатга яроқли кишилари бўлган тақдирда эса ана шу хўжаликлар учун солиқ миқдори ярмига камайтирилади»;

15-модданинг иккинчи абзаци қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ватан урушининг III группа инвалидлари хўжаликлари ёки СССРни ҳимоя қилиш вақтида ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини адо этиш чоғида жароҳатланиш, контузия ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касалликлар натижасида инвалид бўлиб қолган ҳарбий хизматчилардан III группадаги бошқа инвалидларнинг хўжаликлари, собиқ партизанлардан III группа инвалидларнинг хўжаликлари, шунингдек пенсия таъминоти жиҳатидан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳарбий хизматчиларнинг категорияларига тенглаштирилган III группадаги бошқа инвалидларнинг хўжаликлари, шу инвалидлардан эркаклар 55 ёшга; аёллар 50 ёшга етган тақдирда»;

2) СССР Олий Совети Президиумининг «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида» 1942 йил 10 апрель Фармони 5-моддасига (СССР Олий Совети ведомостлари, 1942 йил, 13-сон; 1959 йил, 24-сон, 129-модда; 1966 йил, 47-сон, 976-модда; 1968 йил, 6-сон, 41-модда), бу модда қуйидаги мазмунда «с» банди билан тўлдирилсин:

«с) Ватан урушининг I ёки II группа инвалидларига ёки СССРни мудофаа қилиш вақтида ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа вазифаларини адо этиш чоғида жароҳатланиш, контузия ёки шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касалликлар натижасида инвалид бўлиб қолган ҳарбий хизматчилардан I ёки II группадаги бошқа инвалидларга собиқ партизанлардан I ёки II группадаги инвалидларга, шунингдек пенсия таъминоти жиҳатидан ҳарбий хизматчиларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган категорияларига тенглаштирилган I ёки II группадаги бошқа инвалидларга ёхуд улар билан бирга яшаб турган оила аъзоларига мансуб иморатлар».

4-модда. Ушбу Қонун 1979 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 30 ноябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига 1979 йил мартда сайлов ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил 30 ноябрь.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Миллатлар Советининг мажлисида депутатлар ва меҳмонлар **А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Ш. Р. Рашидов, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Раислик қилувчи — Миллатлар Советининг Раиси **В. П. Рубен** Литва ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **К. К. Кайриса** сўз берди.

Литва ССР, деди нотиқ, қардош республикаларнинг ягона ва дўстона оиласида экономика ва маданиятни янада ривожлантириш йўлидан комил ишонч билан олга бормоқда.

Республика меҳнаткашлари шу йил декабрь ойида ижтимоий ва сиёсий ҳаётда муҳим воқеани — Литвада Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг 60 йиллигини ва Литва Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлайдилар. Республика меҳнатчилари зардоб ишда эришаётган янгидан-янги ғалабаларини ана шу тарихий саналарга бағишлямоқдалар.

Қирғизистон Компартияси Иссиққўл область комитетининг биринчи секретари депутат **А. Д. Дуйшеев** айтдики, жойларда олиб борилаётган сиёсий ва ташкилотчилик ишлари сифатини оширган тақдирдагина халқ хўжалигини ривожлантиришнинг белгиланган суръатларини таъминлаш мумкин. У чорвачиликни, жумладан қўйчиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берди.

Қирғизистон вакили Иссиққўл курорт зонасини ўзлаштириш ва ривожлантириш проблемалари тўғрисида ҳам гапирди.

СССР Олий Советининг доимий комиссиялари амалдаги қонунлар ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш юзасидан катта ва муҳим иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Т. Н. Осетров** ўз нутқини асосан ана шунга қаратди. (Т. Н. Осетров нутқи босилмоқда).

Арманистоннинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги, деди Ереван шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси депутат **М. О. Мурадян**, республика меҳнаткашларини коммунизм қурилишида янги зафарларга илҳомлантирмоқда. Республика меҳнаткашлари совет халқларининг қардошлик оиласида социалистик Ватаннинг равнақ топишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Нотиқ республика экономикасини муваффақиятли ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган базъи масалаларга тўхталиб ўтди. Депутат СССР Олий Советининг комиссиялари киритган тузатишлар ва қўшимчаларни қисобга олиб, мамлакатнинг 1979 йилги плани ва бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Чечен-Ингушия халқ хўжалиги барча тармоқларининг меҳнаткашлари, деди КПСС Чечен-Ингушия область комитетининг биринчи секретари депутат **А. В. Власов**, беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар. Социалистик мусобақа ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларини доимо кучайтиришга, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни тезроқ кўпайтиришга ёрдам бермоқда.

Нотиқ социалистик мусобақани ташкил этиш масалаларига батафсил тўхталиб, илғорлар тажрибасидан фойдаланиш тўғрисида гапирди. «Қолоқларсиз ишлайлик!» шиори шу пешқадамларнинг шиоридир. Мусобақани ривожлантириш ва кенгайтириш, уни янада таъсирчанроқ қилиш — коммунистларнинг доимий ишидир.

Сўнгра депутат эришилган муваффақиятлар ишдаги мавжуд камчиликларни яшира олмаслигини таъкидлаб ўтди. Автоном республика халқ хўжалиги янада юксакроқ марраларни эгаллай олиши, бунга эса ички резервлардан самарали фойдаланиш йўли билан эришиши мумкин эди.

Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **В. Е. Новичков** ўз нутқида муҳокама қилинаётган 1979 йилги планга юксак баҳо бериб, уни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Совет ҳукуматининг совет киши лари фаровонлигини янада ошириш тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлигининг янги кўриниши деб атади.

У Тожикистон меҳнаткашлари ҳам бу ишга муносиб ҳисса қўшаётганликларини уқтириб ўтди. Саноат ҳажмлари ўн ойлик плани муддатидан илгари бажарилди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йил ҳозиргача рекорд миқдорда пахта терилди.

Депутат қилинган ишларга якун ясаб, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қамчиликлар тўғрисида, энергетикани, химия, конруда саноатини янада ривожлантириш билан, маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ проблемалар ҳақида ҳам гапирди.

1979 йилги план лойиҳасининг сессияда муҳокама қилиниши муносабати билан хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграциясининг афзалликлари тўғрисида гапириди. Ана шулар негизида уч йил муқаддам Эстонияда Вильянди район хўжалик ҳисобидаги қишлоқ хўжалик бирлашмаси ташкил қилинган эди. Бирлашма раиси депутат **Ю. Р. Рахула** айтганидек, район территориясида жойлашган ҳамма колхозлар ва давлат хўжаликлари, шунингдек қишлоқ хўжалигига ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ва ташкилотлар шу бирлашма составига киради. Бу бирлашма гўшт ва сут етиштиришга ихтисослашган. Бу йил ана шундай маҳсулотлар тўққизинчи беш йиллик мобайнида ўртача олинган миқдордан анча кўп етиштирилди.

Бизнинг шароитимизда территориал бирлашмаларни ривожлантириш учун замин яратилган деб ҳисоблайман, деди нотиқ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бу формаси ўзини оқлаганлигини тажриба кўрсатди.

Ватанимиз эришган барча муваффақиятлар ва ютуқлар, деди Бошқирдистон АССР Министрлар Советининг Раиси, депутат **З. Ш. Оқназаров**, партиянинг илмий асосланган ленинча миллий ва иқтисодий сиёсати натижасидир. Совет Бошқирдистонининг меҳнаткашлари қардош халқларнинг аҳил оиласида беш йиллик топшириқларини бажариш йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Партия ва совет органлари қўлга киритиган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш учун беш йилликнинг уч йили натижаларини атрофлича таҳлил қилмоқдалар, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг янгидан-янги резервларини қидирмоқдалар. Ишнинг ўсган қўламлари ва ҳажми катта моддий ресурсларнигина эмас, шу билан бирга кадрларимиз заминида, уларнинг ишга бўлган муносабатларида, уларнинг иш услубларида, раҳбарлик қилиш ва бошқариш методларида мавжуд жуда катта ижодий потенциалдан тўлароқ фойдаланишни ҳам талаб қилмоқда.

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими Якутия филиали президиумининг раиси депутат **Н. В. Черский** экономикани ривожлантиришнинг КПСС XXV съезди кўзда тутган стратегияси мамлакат Шарқий районларининг ишлаб чиқаруви ва кучларини жадал ўстиришни белгилаб бергانлиги тўғрисида гапирди. Нефть ва газ қазиб олиш, алюминий ишлаб чиқариш, кўплаб энергия талаб қиладиган химия, ўрмон ва целлюлоза-қоғоз саноати ишлаб чиқаришининг анчагина қисми Сибирь районлари ҳисобига ўстирилади. Бу ерда территориал ишлаб чиқариш комплексларини барпо этишнинг улкан халқ хўжалик программалари амалга оширилади.

Нотиқ Сибирь бўлими ва унинг Якутия филиали олимларининг фундаментал тадқиқотлар соҳасидаги ютуқлари тўғрисида гапириб, илмий таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинаётган амалий натижаларга эътиборни жалб қилди. Шунингдек, у атроф муҳитни муҳофаза қилишга боғлиқ бўлган базъи бир масалаларга ҳам тўхталиб ўтди.

Татаристон АССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Г. И. Усмонов** ўз нутқида Автоном республика меҳнатчиларининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш соҳасидаги муваффақиятларини гапириб берди. КПСС XXV съезди қарорларида Татаристонда катта-катта корхоналарни КамАЗ ва Нижнекамск нефть химияси корхоналари комплексини ишга туширишни кўзда тутилган эди. Ана шу вазифалар муваффақиятли ҳал этилаётганини бугун биз алоҳида қувонч билан маълум қиламиз, деди нотиқ. Қисқа муддатда Набережний Челнада азим автомобиль корхонасининг биринчи навбати ишга туширилди. Нижнекамск корхоналарида беш йиллик бошлангандан бери бир қанча йирик қувватлар қурилиб, ишга туширилди.

Мордва АССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош педиатри депутат **З. А. Чикунова** Автоном республикадаги ҳўжалик ва маданий қурилиш якунларини қисқача тавсифлаб, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш тўғрисида батафсил тўхталди. Кейинги ўн йилда соғлиқни сақлаш ҳизматини ривожлантириш учун айниқса кўп иш қилинди. Республикада катта медицина муассасалари, асосан марказий район касалхоналари ва ихтисослаштирилган поликлиникалар қурилмоқда. Кўчма лабораториялар, стоматология кабинети ва бошқа кабинетлардан ҳам кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Миллатлар Совети кун тартибининг иккинчи ва учинчи масалалари юзасидан музокараларни тугаллади.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани тўғрисидаги ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала юзасидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси, депутат **Н. К. Байбаков** якунловчи нутқ сўзлади.

План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларнинг қўшимча докладида, депутатларнинг нутқларида, деди у, 1979 йилги план КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни бажаришга қаратилганлиги ҳамда совет экономикасини янада ўстиришни ва меҳнаткашларнинг моддий ва маданий фаровонлигини оширишни таъминлаши таъкидлаб ўтилди.

Планни муҳокама қилиш пайтида Миллатлар Советининг депутатлари бу йилги планнинг муваффақиятли бажарилаётганлигини маълум қилиб, ишимиздаги камчиликларга, ишлаб чиқариш қувватларини яна ҳам тўла-тўкис иш билан таъминлаш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, моддий ва молиявий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш, халқ хўжалигининг барча бўғинларидаги иш сифатини яхшилаш учун ишлаб чиқаришни ўстириш резервларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бердилар. КПСС Марказий Комитетининг сессия арафасида бўлиб ўтган Пленуми қарорлари ҳам худди шуни талаб қилган эди. Депутатлар айрим корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг бошқа резервларидан яхшироқ фойдаланишга доир конкрет таклифлар айтишди. Министрликлар, корхоналар ва ташкилотлар ишидаги айрим нуқсонлар танқид қилинди.

СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан нотиқ Миллатлар Совети доимий комиссияларининг кўплаб талаб қилинадиган айрим молларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини ва чакана нархларда 138,4 миллион сўм миқдорида кўпайтириш тўғрисидаги таклифлари кўриб чиқилиб, қабул этилганини депутатларга маълум қилди. Давлат бюджетининг даромадларини 138 миллион сўм миқдорида кўпайтириш тавсия этилади. 1979 йилги планга тегишли аниқликлар киритилади.

Сўзга чиққан депутатлар саноатни, қишлоқ хўжалигини, транспортни, капитал қурилишни ривожлантириш масалаларига, маҳсулотнинг айрим турларини, айниқса халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, халқ фаровонлигини оширишнинг бир қанча масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор бердилар.

Нутқларда капитал маблағларни концентрациялашни ошириш, битмай қолган қурилиш ҳажмини қисқартириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Нотиқ шуни маълум қилдики, янгидан бошланадиган қурилишлар миқдорини кескин қисқартириш чоралари кўрилмоқда. 1979 йилда ҳаддан ташқари зарурат бўлмаса, маъмурий бинолар, шунингдек бошқа иншоотлар чиқариш объектлари қурилишини бошлаш тақиқланди.

Сўнгра Н. К. Байбаков сессия давомида депутатлар айтган базъи бир таклифларга тўхталиб ўтди. Доимий комиссияларнинг хулосаларида, депутатларнинг нутқларида баён этилган таклифларнинг ҳаммаси синчиклаб кўриб чиқилади ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади, деб СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан сизларга маълум қилишга ижозат бергайсизлар, деди у.

СССР Олий Советининг сессиясида 1979 йилги планнинг муҳокама қилиниши, мамлакат экономикасини ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари синчиклаб, танқидий кўриб чиқилиши депутатларнинг КПСС XXV съезди белгилаган вазифаларни жуда тўла-тўкис амалга ошириш йўлларини топишдан ғоят манфаатдор эканликларини кўрсатади. Бу эса 1979 йилги план СССР Олий Советида қабул этилади ва бутун халқимиз томонидан маъқулланади, деб ишонч изҳор қилиш имконини беради.

Миллатлар Совети СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани тўғрисида якдиллик билан Қонун қабул қилди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани қандай бажарилаётгани тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул этилади.

СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги масала юзасидан СССР молия министри депутат **В. Ф. Гарбузов** якунловчи нутқ сўзлади.

Давлат бюджетининг муҳокама қилиниши, деди у, бу бюджет халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўнинчи беш йилликкa мўлжаллаб, КПСС XXV съезди қабул қилган асосий йўналишларига биноан, иқтисодий ва социал ривожланишнинг 1979 йилги Давлат планига мувофиқ ишлаб чиқилганини ҳамда бутун Совет Иттифоқининг ва ҳар бир иттифоқдош республиканинг халқ хўжалигини ва маданиятини янада тез ривожлантиришни таъминлашини кўрсатди.

СССР Олий Советининг комиссиялари қўшимча равишда аниқланган ресурсларни иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари илтимосномаларини ҳисобга олиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларига 30 миллион сўм, қишлоқдаги, ишчи посёлкаларидаги ва районлар қарамоғида бўлган шаҳарлардаги маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот муассасалари учун инвентар, асбоб-ускуна сотиб олиш ва уларнинг биноларини капитал ремонт қилишга 85,5 миллион сўм, район марказларини, районлар қарамоғидаги шаҳарларни ва ишчи посёлкаларини ободонлаштиришга 11,5 миллион сўм ҳамда қишлоқ ва посёлка Советлари учун инвентар, асбоб-ускуна сотиб олишга ва уларнинг биноларини капитал ремонт қилишга 11 миллион сўм сарфлашни таклиф қилдилар.

Миллатлар Совети 1979 йилги СССР Давлат бюджетини якдиллик билан тасдиқлади ва мамлакатнинг 1979 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

Палаталарнинг депутатлари 1977 йилги СССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар ҳамда тегишли қарор қабул қилдилар.

Миллатлар Совети СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Шу масала юзасидан СССР Олий Совети Президиумининг секретари **М. П. Георгадзе** доклад қилди.

* * *

СССР Олий Совети иккала палатасининг алоҳида-алоҳида мажлисларида қабул этилган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани ҳақидаги Қонунга биноан СССР Министрлар Совети тақдим этган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани доимий комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб тасдиқланди.

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги асосий кўрсаткичлари юзасидан ўсиш суръатлари белгиланди.

1978 йилга нисбатан истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад 4,3 процент, саноат маҳсулоти 5,7 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 5,8 процент, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 5,4 процент ортади. Келгуси йилда аҳоли жон бошига реал даромадлар 3,3 процент кўпаяди, пул билан таъминлашнинг ҳамма манбаларини ҳисобига жами саҳни 112,3 миллион квадрат метр уй-жой қуриш белгиланди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги қарорда қайд этилишича, СССР Министрлар Совети 1978 йилги планни бажариш учун зарур чораларни кўрмоқда.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларига амал қилиб, шу йилги ва ўнинчи беш йилликкинг кейинги йилларидаги план топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш топширилди.

СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети доимий комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб даромадлар бўйича 269.214.296 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 268.933.808 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 280.488 минг сўм ошириб тасдиқланди.

Халқ хўжалигини пул билан таъминлашга — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспортни, уй-жой коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришга келгуси йилда 144.389.863 минг сўм, социал-маданий тадбирларга 91.271.334 минг сўм, шу жумладан давлат социал страхованиe бюджетидан 32.340.508 минг сўм ҳаражат қилинади.

Мамлакат мудофааси ҳаражатлари 1979 йил учун 17.230.000 минг сўм қилиб белгиланди.

Қонунда иттифоқдош республикаларнинг Давлат бюджетлари белгиланган.

